

Фаргона вилоят прокурорига

Фаргона шаҳар «21-асрада мулкдор
Химоячиси» адвокатлик фирмаси
адвокати Дилафруз Нурматовадан
Фаргона шаҳар А.Навоий кучаси 14/9

Ш И К О Я Т

Мен Нурматова Дилафруз ҳозирда УР ЖКнинг 165-модаси 2-қисми ва 168-модаси 2-қисми билан айбланаётган Тожибоева Муътабар Ибрагимовнани қонуний ҳуқуқларини дастлабки тергов мобайнида 10 октябр 2005 йил кунидан буён химоя қилиб келмоқдаман. Жиноят иши буйича тергов ҳаракатлари Фаргона вилоят прокуратураси терговчилари томонидан олиб борилмоқда.

«Адвокатлик фаолиятининг қафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий химояси тугрисида»ги қонуннинг 4-моддасида адвокат уз химоясидаги шахс билан у ушланган пайтдан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда миқдори ва муддати чекланмаган ҳоли учрашувлар утказиш ҳуқуқига эга эканлиги ёзилган. Бундан ташқари УР ЖКнинг 53-моддасида химоячининг ҳуқуқлари қурбатилган бўлиб, «айбланувчи ёки судланувчи қамокда бўлса, химоячи у билан ҳоли учрашишга ҳақлидир. Бунда учрашувлар сони ва давом этиш вақти чегараланмайди» деб қурбатилган.

Химоямдаги М.Тожибоева билан 21 ва 22 октябр 2005 йил кунини адвокатлик ордери асосида, 27 октябр 2005 йил кунини эса терговчининг рухсатномаси асосида у сакланаётган Фаргона шаҳридаги 10-сонли тергов хибсхонасида учрашдим. 29 октябр 2005 йил кунини хибсхонага миқозим билан учрашишим учун адвокатлик ордерини тақдим қилсамда, хибсхона бошлиғи А.Узақов терговчи рухсат бермаганлиги айтиб, учрашувга рухсат бермади ва ордерни ҳам қабул қилмади. 21 ва 22 октябр кунлари эса терговчининг рухсати борлиги учун менга миқозим билан учрашишимга рухсат берилган эди, 29 октябр кунини терговчининг рухсати йуқ экан. Буни қандай тушуниш мумкин? Нима учун миқозим билан ҳар сафар учрашишимда алоҳида рухсатнома талаб қилиниши керак? «Адвокатлик фаолиятининг қафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий химояси тугрисида»ги қонуннинг 7-моддасида қурбатилган адвокатлик фаолиятини амалга ошириш чоғида Бирон-бир махсус рухсатнома талаб қилиш ёки бошқа тусиқлар вужудга келтириш ман этилади деган қонун талаби қаерда қолди? Нима учун адвокатлик ордери тақдим қилинсада А.Узақов учрашувга рухсат бермади? Нима учун бу қоида шу хибсхонада сакланаётган бошқа айбланувчи ва судланувчиларга тадбиқ қилинмаган ва қилинмаяпти? Мен 7 йилдан буён адвокатлик фаолияти билан шугулланиб келаман, лекин бирор марта ҳам 10-сонли ТХ маъмурияти учрашув учун мендан терговчи ёки суднинг рухсатномасини талаб қилмаган, фақат адвокат ордери орқали миқозларим билан учрашганман. Нима учун адвокатнинг ҳуқуқлари бузилапти?

Мухтарам прокурор! Сиз қонунларни тугри ва аниқ ижро этилиши устидан назорат олиб бориш вақолатига эгасиз, шунга қура Сиздан «Адвокатлик фаолиятининг қафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий химояси тугрисида»ги қонуннинг 4-моддаси, ЖКнинг 53-моддаси талаблари бузилаётганлиги, менинг адвокатлик ҳуқуқларим поймол қилинаётганлиги сабабли зудлик билан 10-сонли ТХ бошлиғи Адхам Узақовнинг ноқонуний ҳаракатларига чек қуйишингизни ва унга қонуний чора қуришингизни сурайман

Фаргона шаҳар «21-асрада мулкдор
Химоячиси» адвокатлик фирмаси
Адвокати:



Дилафруз Нурматова

Манзил: Фаргона шаҳар А.Навоий кучаси 14/9

